




ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 25 июл, жума № 114 (1539)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Пойтахтимизда 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига оид масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов бошқарган ушбу йиғилишда йил бошидан буён пойтахт иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида бажарилган ишлар атрофида таҳлил этилди. Йил кўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шаҳар бўйича 2003 йилнинг биринчи ярим йиллик яқунларига қўра худудий ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 фоиз ошди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариши ўсиши эса 6,9 фоизни ташкил этди.

Хисобот даврида экспорт ҳажми ўсиб, хусусий тармоқни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида кўплаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари, янги иш жойлари очилди.

Йиғилишда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш вазифаларини Президентимиз Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярми яқунлари бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида белгиланган берилган иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодий барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш борасидаги муҳим таъминоти асосида ишлар амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тулаганов сўзга чиқди.

ТОШКЕНТ КИЧИК ХАЛҚА ЙЎЛИНИНГ УЧИНЧИ НАВБАТИ

Шарқ дарвозаси - Гўзал пойтахтимиз Тошкентда истиқлол йилларида миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлашган бири-бирдан мухташам бино ва иншоотлар бунёд этилиб, у сайёрамизнинг энг кўркამ ва обод шаҳарларидан бирига айланмоқда. Бир пайтлар қурилган эски, пастқам иморатлар, тор ва нотекис кўча ҳамда хиббонлар ўрнида замонавий иншоотлар, кенг ва раво кўчалар барпо этиляпти.

Пойтахтимиздаги бунёдкорлик соҳасидаги энг хайрли ишлардан бири, шубҳасиз, шаҳар марказида транспорт тизимининг олдини олишга хизмат қиладиган кичик автомобил халқа йўли - ички транспорт магистралини қуришга киришилганидир. Уни барпо этиш билан боғлиқ ишлар Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий диққат-марказида тургани ҳам бежиз эмас. Тошкент кичик халқа йўлининг аҳамиятли томони шундаки, автомашиналар шаҳар марказига кирмасдан, мазкур магистрал орқали кўзалган манзилга етиб олиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси бюрократия асосида барпо этилаётган мазкур йўлнинг умумий узунлиги ўттиз километрдан ошди. Шунинг 7 километри янгидан қурилса, қолган қисми аввалдан мавжуд кўчаларни кенгайтириш ҳисобида амалга оширилади. Лойиҳага қўра бир-бириндан маҳобатли ва мустақкам тўққизта кўприк, бир ер ости йўл ўтказгичи - тон-

нел қурилади, иккита темир йўл кўприги таъмирланади. Йўлнинг эни 32 метргача кенгайиб, машиналар қарама-қарши тоғмонга бир йўла саккиз қаторда ҳаракатлана олади.

Хар йили кичик халқа йўлининг бир қисми қуриб фойдаланишга топшириб борилади. Бугунга қадар унинг икки қисми ишга туширилиб, Юнусобод туманининг Амир Темури кўчасидан Хидирали Эргашев кўчаси бўйлаб Жанубий вокзал ёнидаги Фарҳод кўчасигача бўлган 13 километрдан зиёд қозғоқ маҳабат ҳаракат тубдан яхшиланди.

Айни кунларда мазкур йўлнинг учинчи навбатини барпо этиш ишлари жадаллик билан давом эттириляпти. Кичик халқа йўлининг бу босқичи Шайхонтоҳур туманидаги генерал Узоқов кўчасининг Маннон Уйғур ва Улугбек кўчалари кесишган жойидан бошла-ниб, Фарҳод, Усмон Носир, Гавхар, Ҳамза Умаров кўчалари чорраҳасида бунёд этилган кўприкка бориб тутади.

Тошкент кичик халқа йўлининг умумий узунлиги салкам саккиз километр

бўлган бу қисмини барпо этиш ишлари «Ўзавтйўл» давлат акционерлик концернининг «Тошйўлқурилиш» трести, «Автомагистрал» бирлашмаси бош пудратчи этиб тайинланган. Қурилиш-таъмирлаш ишлари концерн ҳисобидан қоланиши режалаштирилган.

Кичик халқа йўлининг учинчи босқичи Яққасарой, Чилонзор, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур туманларидан ўтади. Генерал Узоқов, Со-бир Юсупов, Фарҳод кўчаларида улкан ҳажмдаги қурилиш, кенгайтириш, таъмирлаш ишлари шиддат билан давом эттирилмоқда. Ҳозир йўлсозлар, кўлаб техника воситалари шағал тўкиш, шиббалаш, йўл четларига бетон плиталарни ётқизиш, ёриткич устунларини ўрнатиш каби ишларни икки сменада жадаллик билан бажармоқда.

Лойиҳага қўра, кичик халқа йўли мазкур босқичнинг айрим қисмлари кенглиги 37 метргача етиб, ўртасида эни беш метрлик гулзор ташкил этилади. Йўлсозликда гоят мураккаб иншоот - ер ости йўл ўтказгичи қурилаётгани, айниқса, эътиборга молик. У генерал Узоқов кўчасининг Маннон Уйғур ва Улугбек кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган. Узунлиги 80, кенглиги 40 метр мазкур тоннелни бунёд этиш ишларини «Тошметроқурилиш» трести қурувчилари амалга оширмоқда.

Шу пайтга қадар бу чор-раҳадан бир суткада 33 мингдан кўпроқ автомашина ўтади, қатнов ўта тизиг. Тоннелнинг қурилиши бундай ҳолатга чек қўяди, айни пайтда пойтахтимизнинг эски шаҳар қисмида келаётган автомобилларнинг ҳалқа йўлига чиқиб кетиши учун имконият яра-тади. Бу эса ҳаракатни ен-гилаштириш, хавфсизликни оширади.

Айни кунларда бу ерда қурилиш ишлари ниҳоясига етказилиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бори-лмоқда. Жумладан, Кўча канали бетонлаштирилди. Тоннел ичига йиғилган оқова сувларни ташқарига чиқариб ташловчи насос қурилди.

Йўлсозлар халқа йўлининг бу қисмини мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик тўйига туёна этишни мақсад қилган. Тошкент кичик халқа йўлининг учинчи навбати ҳам фойдаланишга топширил-са, ушбу магистралнинг умумий узунлиги 21 кило-метрдан ошадди.

О.НУРБЕКОВ, Ҳ.А.МУХБИРИ, С.ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН - ВАТАНИМ МАНИМ

Мамлакатимизда миллатлараро ҳамжихатлик ва ўзаро тугувлиқни таъминлаш барқарорлик ва тараққиёт асоси. Зеро, фуқароларнинг бирлиги, жиқлиги катта бойлигимиздир.
Шу азиз Ватан - барчамизники, дея елка-ма-елка меҳнат қилаётган турли миллат вақил-лари билан муҳбиримиз Темури Хайдаров сук-батда бўлди.

ШУНДАЙ ЮРТНИ СЕВМАЙ БЎЛАДИМИ?

Уруш даҳшатлари ту- сий йўналиши ўзбекиона меҳр-муҳаббат ва сахо- ватга қаратилган. Биз асосан нафақадаги нуру- нийларга, айниқса, кўмак- ка муҳтож ёлғиз қариялар, ногиронларга амалий кўмак берамиз. Менга ўзбекларнинг саховатпе- шалиги, меҳр-оқибати, йиқилганни суяш, меҳрга муҳтожлардан кўмагини аямаслиги ёқди. Бу ҳис- латлар бугун ҳаётининг тамойилига айланганидан бахтиёрман. Жаннатмакон Ўзбекистонда яшаётган- ним, шу юрт фуқароси эканлигим билан фахрла- наман. Шундай серкўёш, саховатли ўлкани севай- нинг барча жабҳаларида бўлгани каби «Нуроний» жамғармасининг ҳам асо-

«ЖАННАТ БОҒИ» — ДЎСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Ўзбекистонда туғилиб, ўсдим. Ўзбеклар яшай- диган маҳаллада тенгдошларим билан кураш ту- шиб, футбол ўйнаб болалик гаштини суриб, воғга етдик. Ҳалигача улар билан дўстлигимиз давом эт- моқда. Ҳозиргача маҳалладаги бирорта маърака ёки тўйлардан қолмайман. Айниқса, базмларда ўзбек- лар билан мириқиб рақсга тушиш менга жуда ёқди. Бунинг ўзгача завқи-шавқи бор. Биз ана шундай аҳил, иноқ халқимиз. Она Ўзбекистонимизнинг энг катта бойлиги ҳам аслида аҳиллик ва дўстликда- дир.

Мустақиллик ҳар кимга ўз имкониятларини ишга солиш учун шароит яратиб берди. Икки йил хусу- сий тадбиркорлик билан шуғулландим, 2003 йил- нинг март ойидан бошлаб фирма ташкил этдим. Ҳовлидаги ранго-ранг гуллар, нафис соябондан завқ олган мижозлар ушбу масканга, фирмамизга «Жан- нат боғи» дея ном қўйдилар.

Тайёрлаётган 10 хил таомларимизнинг ями ўзбек, қолгани корейс миллий пазандчилиги наму- наларидир. Хизматларимиз кўпчиликка манзур бўлиб, мижозлар сони кундан-кунга ортиб бора- япти. Тинчликсевар, меҳридор ҳалқимизга оз бўл- са, да хизмат қилаётганлигим билан фахрланаман.

Лидия Пак, Тўйтепадаги «Жаннат боғи» фирмасининг раҳбари

ҚУДРАТИМИЗ БИРЛИКДА

Ўзбек ва тожик халқ- катида бўладилар. Лекин мамлакатимиз халқлари елкама-елка туриб ҳам- урф-одатлари деярли бир хил. Шунинг учун ҳам қариндош-уруғчилик, қуда-андачилик одалат- ларимиз асрлар оша мус- таҳкамланиб келаяпти. Маҳалламиздаги қўши- ларимиз ҳам ана шундай меҳр-оқибатли кишилар- дир. Миллатидан қатъи назар бир-бири билан дўст, биродар.

Ислол динини ниқоб қилиб олган айрим қўра кучлар миллатлар ўрта- сига нифоқ солиш ҳара-

катид бўладилар. Лекин мамлакатимиз халқлари елкама-елка туриб ҳам- урф-одатлари деярли бир хил. Шунинг учун ҳам қариндош-уруғчилик, қуда-андачилик одалат- ларимиз асрлар оша мус- таҳкамланиб келаяпти. Маҳалламиздаги қўши- ларимиз ҳам ана шундай меҳр-оқибатли кишилар- дир. Миллатидан қатъи назар бир-бири билан дўст, биродар.

Ислол динини ниқоб қилиб олган айрим қўра кучлар миллатлар ўрта- сига нифоқ солиш ҳара-

катид бўладилар. Лекин мамлакатимиз халқлари елкама-елка туриб ҳам- урф-одатлари деярли бир хил. Шунинг учун ҳам қариндош-уруғчилик, қуда-андачилик одалат- ларимиз асрлар оша мус- таҳкамланиб келаяпти. Маҳалламиздаги қўши- ларимиз ҳам ана шундай меҳр-оқибатли кишилар- дир. Миллатидан қатъи назар бир-бири билан дўст, биродар.

Ислол динини ниқоб қилиб олган айрим қўра кучлар миллатлар ўрта- сига нифоқ солиш ҳара-

катид бўладилар. Лекин мамлакатимиз халқлари елкама-елка туриб ҳам- урф-одатлари деярли бир хил. Шунинг учун ҳам қариндош-уруғчилик, қуда-андачилик одалат- ларимиз асрлар оша мус- таҳкамланиб келаяпти. Маҳалламиздаги қўши- ларимиз ҳам ана шундай меҳр-оқибатли кишилар- дир. Миллатидан қатъи назар бир-бири билан дўст, биродар.

Ислол динини ниқоб қилиб олган айрим қўра кучлар миллатлар ўрта- сига нифоқ солиш ҳара-

катид бўладилар. Лекин мамлакатимиз халқлари елкама-елка туриб ҳам- урф-одатлари деярли бир хил. Шунинг учун ҳам қариндош-уруғчилик, қуда-андачилик одалат- ларимиз асрлар оша мус- таҳкамланиб келаяпти. Маҳалламиздаги қўши- ларимиз ҳам ана шундай меҳр-оқибатли кишилар- дир. Миллатидан қатъи назар бир-бири билан дўст, биродар.

Абдусам ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Автобусда келаётган икки нуроний суҳбатчи эътиборимни тортиди:

— Тадбиркорлик қўлаб-қувватла- ниб, мулк ўз эгаси қўлига топширил- са ҳар томонлама фойда бўлади. Мана, қаршимиздаги корхона бир вақтлар ҳувиллаб қолганди. Мутасад- ди раҳбару мутахассисларнинг уку- сизлиги, бозор шароитида ишлаш қўбилияти йўқлиги боис у инқирозга юз тутди. Отасига раҳмат. Ҳақиқий ишбилармон, ташаббускор инсон ўзига яратилган имконияту имтиёз- лардан унумли фойдаланиб, ушбу корхонани қайта оёққа қўйди. Ҳозир- ги кунда корхонада кўп киши ишла- моқда, маҳсулотлар харидордир.

Узимизча уйга толаимиз. Чинданам ҳозир оз бўлса-да, эскича ишлаёт- ган, «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилда фаолият юритаётганлар йўқ эмас. Шу боис қайсибир жойларда корхоналарни хусусийлаштириш юза- сидан қабул қилинган дастурни ба- жариш бўйича ишлар етарли суръ- атлар билан олиб бориляпти. Энг ёмони, бу ишда адолатсизликка, сан- салорликка йўл қўйилаётганлиги ки- шиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Бир мисол. Жалақудуқ ту- мани тасарруфидаги Ойим қишлоқ «Матлуботсавдо» хиссадорлик жам- ятининг айрим мутасаддилари қонун- лар ижросини таъминлашда камчи- ликларга йўл қўйишмоқда. Хусусий- лаштиришга оид масалаларни вақ- тида ҳал этиш ўрнига айрим ўрин- ларда қимларнингдир кўрсатмасини қутишга одалганишган. Ақо ҳолда бир бинони хусусийлаштириш учун олти йил кетмаган бўларди.

«Ойимматлуботсавдо» хиссадорлик жамиятининг собиқ прораби Абдуман- ноб Абубакировнинг тахририятга йўл- ланган шикоят хатинда шундай жумлалар бор: «...1990 йилдан буён хиссадорлик жамиятининг қурилиш бўлимида про- раб бўлиб ишладим. Вазирлар Маҳма- масининг қарорига қўра 1996 йилда вилот «Матлуботсавдо» акциядор-

умумий баҳоси қанча эдию, энди неча сўмга тўғри келади? Судралиш ва ўзи- бўларчилик оқибатида меҳнатшам ма- нафағига нечун бунчалар зиён етказил- ди?! Кузатув жараёнида яна шу нарса

вилми касбимга тиклашларини сўраб қилган мурожаатларини зое кетди. Олти фарздани бор, олти йилдан буён маж- бурий ишсиз юрибман. Оиладаги ша- роитни ўзингиз тушуниб олаверинг.»

Масалала ойдинлик қиритиш мақса- дида тегишли идорада бўлганимизда,

бир нарса бизни гоётда ажаблантир- ди. Яъни, А.Абубакиров жамият раҳба- рининг оғзаки гапига қўра ишдан бўша- ган. Бироқ унинг «қисқариш»га тушган- лиги ҳақида бирон-бир ҳужжат йўқ. Ак- синча, А.Абубакировга даҳлдор Меҳнат дафтарчаси ҳамон хиссадорлик жамия- тида сақланмоқда. У Меҳнат қонунла- рига эид равишда сақланиб, 1990 йил прораб вазифасига қабул қилинганли- ги қайд этилган, холос. Масъулиятсиз- ликни қарангки, Меҳнат дафтарчаси- нинг охириги иш жойи кўрсатилган ери- да муҳр ҳам, иш берувчининг имзоси ҳам йўқ.

Мутахассис фаолиятига нега бундай муносабатда бўлинаётганлиги хусуси- да аниқ жавоб олиш мақсадида хисса- дорлик жамияти бошқаруви раиси билан суҳбатлашдик.

маълум бўлдики, собиқ прорабнинг мушуқли хали тўла осон бўлмапти. Таъ- кидлашчи, воқеаларнинг кескин ўзга- руви уни додиратиб қўйган. Нега де- ганда туман «Матлуботсавдо»-сидаги- ларнинг «ташаббуси» билан у ишлаб турган муассаса ҳамда ўзининг меҳнат фаолияти қайта-қайта чигиркидан ўтқа- зилган, тафтишлар қилинган. Пичоққа илнарли ҳеч нарса топилмаган, уни ишдан четлаштириш пайида бўлиша- ди. Яна шикоят хатидан айрим сатр- ларни келтирайлик: «Устига-устак уч- лар тафтиш ўтказилган, хиссадорлик жамияти раиси А.Қурбоновдан энди ишчини давом эттириверсам бўлади- ми, дёб сўрасам, «сён қисқаришга ту- шгансан, бошқа жойдан иш топ», деган баҳонани рўқач қилди. Шундан сўнг неча бор ноҳақ бўшатилганлигим, се-

Масала кўндаланг қўйилади

Собиқ прораб ўз ўрнига лаёқат- сиз. Топширилган вазифани вақтида уаддаламайди. Қолаверса, унинг зим- масида ҳали кўп қурилиш ашёлари ту- рибиди, лекин уларни қайтаришни ўйлаб қўрган йўқ.

Бошлиқнинг жавоби шу бўлди. Ҳўш, собиқ прораб зиммасида бўлган қури- лиш ашёлари (агар у чиндан-да бўлса) нега шу пайтгача жамият кузатув кен- гашига расмий равишда тақдим этил- маган ёки прораб бу ҳақда оғохланти- рилмаган? Ҳўзаро суҳбат чоғида ҳақтўй ишловчилар яна бир адолатли гапни ўртага ташладди. Жамият йиғилишля- рида, шу жумладан, аудитор текширу- ви, прокуратура тақдимномаларидан сўнг, ишлаб чиқаришда йўл қўйилган камчиликларга барҳам беришга оид чора-тадбирлар қўрилган. Агар собиқ прораб айбдор экан, нега юқорида қайд этилган камчиликларни расмий ҳужжатларда ўз ифодасини топмади.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқи му- стаҳкам ҳимояда. Қўрииб турибдики, собиқ прораб А.Абубакиров иши, тақ- дирига ва хусусийлаштириш бораси- даги масалаларга ойдинлик қиритиш тақозо этилади. Бунинг учун мутасад- ди раҳбарлар сабоқлардан тўғри хуло- са чиқариб, масалала виждонан, қонун талаблари нўқтай назаридан ёндоши- лари лозим.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқи му- стаҳкам ҳимояда. Қўрииб турибдики, собиқ прораб А.Абубакиров иши, тақ- дирига ва хусусийлаштириш бораси- даги масалаларга ойдинлик қиритиш тақозо этилади. Бунинг учун мутасад- ди раҳбарлар сабоқлардан тўғри хуло- са чиқариб, масалала виждонан, қонун талаблари нўқтай назаридан ёндоши- лари лозим.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқи му- стаҳкам ҳимояда. Қўрииб турибдики, собиқ прораб А.Абубакиров иши, тақ- дирига ва хусусийлаштириш бораси- даги масалаларга ойдинлик қиритиш тақозо этилади. Бунинг учун мутасад- ди раҳбарлар сабоқлардан тўғри хуло- са чиқариб, масалала виждонан, қонун талаблари нўқтай назаридан ёндоши- лари лозим.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқи му- стаҳкам ҳимояда. Қўрииб турибдики, собиқ прораб А.Абубакиров иши, тақ- дирига ва хусусийлаштириш бораси- даги масалаларга ойдинлик қиритиш тақозо этилади. Бунинг учун мутасад- ди раҳбарлар сабоқлардан тўғри хуло- са чиқариб, масалала виждонан, қонун талаблари нўқтай назаридан ёндоши- лари лозим.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқи му- стаҳкам ҳимояда. Қўрииб турибдики, собиқ прораб А.Абубакиров иши, тақ- дирига ва хусусийлаштириш бораси- даги масалаларга ойдинлик қиритиш тақозо этилади. Бунинг учун мутасад- ди раҳбарлар сабоқлардан тўғри хуло- са чиқариб, масалала виждонан, қонун талаблари нўқтай назаридан ёндоши- лари лозим.

Абдусам ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» муҳбири

ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ МЕНИ ЁНИГА

Боғу бўстонлар, гулзорлар оралаб Булоқбоши туманига киришимиз билан дилимиз очилиб кетди. Шабадада махланиб турган гулзордан таралган ифрорлар димоқларни қитқилайди. Меваали-манзарали дарахлар кўри-тароватидан кўз қувнади. Равон йўлда энгил машиналар дарёдек оқмоқда. Йўл ёқасидаги маҳобатли бинолар, дўконлар қаршидаги пештахталарга ёйилган ранго-ранг халқ истеъмол моллари, қизгин савдо-сотик, йўлакчаларда кичкинтойлар аравачаларини бамайлихотир суриб бораётган оналар, булар ҳаммаси осойишта, тўқ, ҳаётдан, фаровонликдан нишон бериб турибди. Қарияларнинг эслашича, бу ерда шўролар замонидан кўчаларнинг чанги буруқсиб ётар, вилоят марказига тушиш учун йўловчилар паидада соатда автобус кутар, бозорлик қилгани қўшни Қирғизистоннинг Уш шаҳрига тушардилар.

Истиқлолгача хорижга чиқиш учун москвалик «оғалардан» уз олинди. Эндилдаки хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилинапти. Бугунги кунда «Антекс» Туркия билан ҳам қўшма корхона ташкил этган. Қулла қишлоғида тикув-трикотаж фабрикаси, Ширмонбулоқда Ўзбекистон-Литва қўшма корхона-Россия-Литва қўшма корхона-ёшиллаш корхонасида тайёрланган камалакранг хонат-ласларга хорижда ҳам талаб ортиб борапти.

Бу ҳақда «Ширмонбулоқ тош қони» очик турдаги ҳисдорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳақимбек Адхамов шундай дейди:

— Корхонамиз асосан маҳаллий хомашў — Чилустун тоғларидаги ҳарсанг тошлар ҳисобига ишлайди. Илгари 5 нафар ишчи меҳнат қилган цехларда бугун 50 нафарга яқин булоқбошиликлар ишлаяпти. Россиялик, литвалик ишбилармонлар билан ҳамкорликда мрамор, ойна ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда ойига 150 квадрат метр мрамортош, 160 квадрат метр ойна ишлаб чиқаряпти.

Туман ҳаётидаги ўзгаришлар бугина эмас. Ўтган давр ичида 2310 ўринли 6 та мактаб, 9 та қишлоқ врачлик пунктлари, 100 дан зиёд ўрта ва кичик бизнес бинолари, почта алоқа боғланмаси, прокуратура, солиқ идораси, давлат автомобил назорати, туман молия бўлими, поликлиника бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Муस्ताқиллик йилларида туман иқтисодиёти ҳам бақувватлашди. Пахта тайёрлаш 19,5 фоизга, дон тайёрлаш 13,1 фоизга ортди. Махсулот ишлаб чиқаришда 488 миллион соф фойда олиниб, рентабеллик 22 фоизга кўтарилди. Олинаётган фойда аҳолининг иқтисодий ҳимоясига сарфланаётганлиги эътиборга лойиқ. Халқ таълими ривожидан ҳам тараққийга эришилди. Туман мактабларининг чет эл таълими муассасалари билан илмий педагогик таъриба алмашинуви бунга яққол мисолдир. 27,28-мактаб ўқитувчилари Сойибжон Ёқубов, Хоринбой Окболаевлар Францияга бориб, бу ердаги ўқув юртларида фаранг тилини ўқитиш усуллари билан танишиб қайтидилар. 5-мактаб ўқувчиси Носирилло Иброҳимов Германияда бўлиб, немис тилини

ўқитишнинг услубий йўналишларини ўрганди. 10-иختисолашган мактаб-интернат муаллими Маҳтиратхон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Абдуллаева АҚШда инглиз тилини ўргатиш методикаси билан танишди.

Хамма ерда бўлганидек, Булоқбошида ҳам муस्ताқиллик туфайли аҳолининг эътижманд қатламларини иқтисодий ҳимоялаш тизими яратилди. Шу йилнинг ўзида етим-есирлар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронларга 18,7 миллион сўм моддий ёрдам берилди. 2 ёшгача бола тарбиялаётганларга, 407 миллион сўм ёрдам ва нафақа пуллари тарқатилди.

Туман иқтисодиётида пахта ва галла етакчи тармоқ ҳисобланади. Ўтган йили 13361 тонна «оқ олтин» етиштирилди, шартнома режаси 122 фоизга бажарилди. Хосилдорлик гектарига 34,5 центнер дон ортиб кетди. Жорий йил ҳосилдорлик бултургидан янада кўпайиши кўтилмоқда.

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» муҳбири

Қашқадарёлик қўли гул хунармандлар тайёрлаган осори-атиқалар азиздан Мағрибу Машрикка машхур. Шаҳрисабзнинг сўзана ва қишталари жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган кўрик-танловлар ва кўргазмаларда юқори баҳоланган. Қасби қўлоллари ясаган тандир ва кўзалар олис Америкагача бориб ётган. Жейннинг кўзни қамаштирувчи гиламлари, деҳқонobodликлар тайёрлаган чўпон ўтовлар, Қамашининг чарм ва мўйна ёқали кўртқалар, Қаршининг замонавий кўйлақлари ва спорт буюмлари, Қосоннинг обивозет холвалари бугунги кунда ҳам истеъмолчилар эътиборини қозонган.

биркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмасдан, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда юқориликка эришиб бўлмайди. Чунки ушбу тadbиркорлик субъектлари йирик товар ишлаб чиқарувчиларга қараганда камроқ сарф-харажат талаб этиши, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар турларини тез ўзгартири олиши, ихчамлиги билан ажралиб туради.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, истеъмол бозорини сифатли махсулотлар ва хизматлар билан бойитишда кичик ва ўрта тadbиркорликнинг ўрни салмоқли, — дейди биз билан суҳбатда вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси, иқтисод фанлари доктори Баҳодир Остонов. — Воҳода ишбилармонликни тараққий эттиришнинг стратегик дастури ишлаб чиқилган. Энг муҳими, ушбу соҳада олиб борилаётган самарали ишлар натижасида хусусий секторнинг ялпи ички махсулот ҳажмидаги улуши 35 фоизга яқинлашиб қолди.

Айни пайтда товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси аъзолари сони 16 минг 163 тадан ошди. Хуқуқий мақомага эга тadbиркорлик субъектлари саноат-

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТИ

да барча халқ ҳўжалигида фаолият кўрсатиб келмоқда. Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус 2003» кўрик-танловининг республика босқичида Шаҳрисабз туманидан Гулнора Одилова «Энг яхши хунарманд», Қамаш туманидан «Бахраманд» савдо саноат корхонаси раҳбари Олим Чўлиев «Экологик тоза махсулот ишлаб чиқарган тadbиркор» номинатсияси бўйича голибликни эгалладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тadbиркорликни ахборот - маслаҳат ва реклама хизматлари билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. Яқинда Европа Уттифoқи ҳамкорлигида «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида маркетинг ва реклама масалалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Қарши шаҳрида «Маслаҳат-мадад» маркази тadbиркорларга юридик маслаҳатлар бериш, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, маркетинг ва менежмент тақдирини ўтказиш билан шуғулланапти.

Халқаро Евразия жамғармаси ажратган 11 минг 823 АҚШ доллари миқдоридagi грант асосида «Тadbиркорларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш» курси ишга тушди. Ушбу марказларида 200 га яқин ишбилармонлар билим ва малакаларини оширдилар.

Жорий йилнинг июн ойида уюштирилган «Минитек-2003» кўргазмасида вилоят тadbиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар намойиш этилди. Ўзбекистон Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзэкспомарказ», вилоят ҳокимлиги ва ташки иқтисодий алоқалар бошқармаси томонидан ўтказилган кўргазмада хорижий фирма ва компаниялар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг энг замонавий асбоб-ускуна ва технологиялари кўриқка қўйилди. Ишбилармонлар мамлакатимизда ташкил этилган чет эл корхона ва фирмаларининг реклама материаллари билан танишдилар.

Белгиланган режа асосида барча шахар ва туманларда очик мулоқотлар уюштирилди. Бундай учрашувлар ва қабул кунларида ишбилармонларга кредит, ер майдони ажратиш ва бошқа масалаларга оид ўттиздан ортик муаммолар ҳал этилди.

Асосий мақсад бозор инфратузилмасига хориж сармоясини жалб этиш орқали вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишдан иборат. Шу боис вилоятдаги 6 та корхонанинг инвестиция лойиҳалари кўриб чиқиш учун республика тижорат банкларига тақдим этилди.

Худудий палата ҳузурида «Мароканд» кўп тармоқли ахборот-алмашув тизими иш юритаяпти. Бу ерда тadbиркорларга махсулотларини сотиш, ўзларини қизиқтирган товарлар, асбоб-ускуналар ҳақида ахборотларни компьютер орқали олиш имконияти яратилган. Ҳозирги пайтда 300 га яқин тadbиркорлик субъектларининг 800 дан ортик махсулотлари ушбу тизимга киритилди.

Тadbиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

БОЙМУРОДНИНГ СУПЕРМАРКЕТИ

Конимех туманининг Абай номидаги наслчилик ширкат ҳўжалиги маркази - Боймурод овули сўнгги йилларда янада чирой очмоқда. Бултур овулда чойхона, хотира майдони қурилган эди. Яқинда деҳқон бозори ишга тушди. Чўл кўйида қад ростлаётган шином бинолар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданий-маиший иншоотлар кўзни қувонтиради. Бунинг ҳаммаси ҳўжаликда чорвачиликни ривожлантириш, махсулдорликни ошириш эвазига бунёд этилмоқда. Ўтган йили ҳўжалик 400 миллион сўмдан зиёд соф фойда олди. Бу йилги кўрсаткич ундан ҳам юқори бўлади.

Овулда тўрт мингдан зиёд киши яшайди. Уларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашда савдо марказларининг аҳамияти катта. Шу босдан таърибали тadbиркор Қиримзои Ёгамқулова ўз маблаг, овулдошлари ёрдами билан янги супермаркетни ишга туширди. Унинг айтишича, вилоят марказидан 200 чакрими олисда ашаётган аҳолини керакли махсулотлар билан таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинапти. Кўнма дўконлар ёрдамида олис яйловларда ишлаётган чўпонларга ҳам хизмат кўрсатилмоқда.

(ЎЗА)

Янги ўқув йили олдида

КАСБИМИЗ ФИДОЙИЛИКНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Шу кунларда мактабларда янги ўқув йилига қизгин тайёргарлик қурилмоқда. Белгиланган ишларни вақтида амалга ошириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш юзасидан аниқ тadbирлар амалга оширилаяпти. Очигини айтганда, касбимиз фидойиликни тақозо этади. Ҳозирда тасарруфимизда 41 та мактаб бўлиб, улларда 4769 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. 12 минг 479 нафар болакай 69 та болалар боғчасига жалб этилган. Илм масканлари ва боғчаларнинг ақсарияти замон талабига жавоб беради. Ўз касбининг устаси бўлган уч минг нафардан ортик малакали педагоглар сидқидилдан ишлашмоқда. Шу боис туманимизда иқтидорли ўқувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Улар туман, шахар ва республика миқёсида ўтказилаётган олимпиадаларда муваффақиятли қатнашмоқда. Масалан, ўтган йили 43-мактаб ўқувчиси Ольга Белоусова жаҳон олимпиадасида рус тили бўйича биринчи ўринни эгаллади.



Тўртта мактабимиз хорижий тилларни пухта ўргатишга ихтисослашган. 17-мактабда инглиз, 51-мактабда француз, 272-мактабда форс, 150-мактабда араб тили мукамал ўргатилмоқда. Шунингдек, 51-мактаб қошида «Лингва» маркази мавжуд бўлиб, у ерда ҳам хориж тилларини ўргатиш, таъриба алмашуш юзасидан машғуллар олиб борилмоқда. Муस्ताқиллик шарофати туфайли ўқитувчиларимиз ўз малакаларини ошириш, дунёвий тушунчаларини кенгайтириш юзасидан катта имкониятларга эга бўлдилар. Қувончлиси шуки, бир гуруҳ ўқитувчилар гуруҳи АҚШ, Олмония, Исроил, Англия, Австралия каби мамлакатларда бўлиб, халқаро анжуманларда иштирок этилдилар. Эндилдаки уллардан олинган фойдалар омилар асосида таълим-тарбия ишини янада жонлантирилмоқда. Обод маҳалла йили муносабати билан ташкилотчилик ишларини ҳам жонлантириб бораёلمиз. Маҳаллаларда «Фарзандлик бурчи», «Қари билганини пари билмас», «Фарзандларимиз биздан розими?» мавзуларида қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Боғчаларга эътибор сусаяётгани йўқ. 304-жажжилар максадида эстетика, экология масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу жажжиларимизда гузаллик, атроф-муҳитга меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини уйғотишда муҳим рол ўйнаяпти. 47-боғчада эса «Одобнома» машғуллари Ислам университетини ўқитувчи олимлари тайёрлаган дастур асосида таъриба тарзида олиб борилаяпти.

Табийки, болалар спортини ривожлантириш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Истикболимиз эгалари Алпомидедек алл қоматли, бақувват, Барчинойдек сулу, оқила бўлиши керак. Мақсадга эришишда жисмоний тарбия ва спорт алоҳида ўрин тутайди. Ҳар бир мактаб қошида майдонча мавжуд. Яширининг ҳождати йўқ, жисмоний тарбия дарсини намонали йўлга қўйиш юзасидан қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Қувончлиси шуки, Хоразм вилоятида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида ўқувчиларимиз фаол қатнашиб, 27 та олтин ва қумуш медални қўлга киритишди. Бу муваффақият қўнғилимининг тоғдек кўтарганидир.

Айни пайтда бу ерда уларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш учун тadbирлар дастури ишлаб чиқилган. Айниқса, Муस्ताқилликнинг 12 йиллигига бағишлаб турли кечалар, учрашувлар болаларда катта таасурот қолдираяпти. Оромгоҳ ҳодимлари эса ҳар бир тadbирнинг қўнғилдагидек ўтиши учун бош-қош бўлаяптилар.

Манзара ШАМСИЕВА, Қасби туманидаги Фотих Мусин номи болалар оромгоҳининг бош мутахассиси

Мамсууда ОДИЛОВА, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани халқ таълими бўлими мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ҳодими

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанд тиббиёт институтининг кўз касаликлар шифохонаси ҳузурида кўз касаликларини лазерли микрохирургия усули билан даволаш халқаро маркази ташкил этилди.

Марказ институтнинг офтальмология кафедраси ҳамда «Кристоффель-Блиндемиссион» халқаро инсонпарварлик ташкилоти ҳамкорлигида ишга туширилди. Марказга Гер-

маниянинг «Цейсс» фирмаси ишлаб чиқарган замонавий офтальмологик лазерқўлғулор ўрнатилди. Марказда беморлар бепул даволанади. Унда юқори малакали шифокорлар меҳнат қилмоқда.

(ЎЗА)

Тармоқ касабаси уюшма қўмиталарида

МЕҲНАТКАШ МУРОЖААТИГА МУНОСАБАТ

Бозор шароитида меҳнаткашлар ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қиладиган касабаси уюшмаларига эҳтиёж катта. Бунинг устига замонадошларимизнинг баъзилари қонунларни яхши билмайдилар. Ўз ҳуқуқларини керакли даражада талаб қилолмайдилар.

Бизни қувонтирадигани шундаки, одамлар ўз хатларидан кўпчилик манфаатига дахлдор масалаларни фойда этишмоқда. Масалан, Самарқанд электр тармоқлари корхонаси ҳодими Н.Музаффарова вилоят ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ҳодимлари касабаси уюшма қўмитасига мурожаатига қорхона раҳбариятининг ноқонуний ҳаракатлари ҳақида фикр юритган. Аниқроғи, раҳбариятнинг ишдаги хатокамчиликлари ҳодимлар манфаатига пўтур етказаяптгани баён қилиниб, муаммоларни бартараф этиш ҳусусида мулоҳазалар билдирилган. Вилоят касабаси уюшмаларининг мутахассислари томонидан вазият ўрганилганда, ҳодим ҳақ бўлиб чиқди. Шундан сўнг қорхона раҳбарияти билан биргаликда аҳволни ўнглаш бўйича тadbирлар белгиланди.

Ўтган йили Самарқанд кимё корхонасида иш ҳақларини тўлаш бир неча ой кечиктириб юборилган экан. Бу масала қорхона касабаси уюшма томонидан кўтарилди. Биз шу асосда қорхона раҳбариятига, «Ўзимёсанот» ҳолдинг компанияси раисига, тармоқ касабаси уюшма Марказий қўмитасига, Боғишамол туман прокуратурасига мурожаат қилдик. Натижада иш ҳақи ва нафақалардан мавжуд қарзлар тўлаб берилди.

Касабаси уюшма тармоқ кенгашига тушган мурожаатлар таҳлил қилинса, қўйилган ҳолат кўзга ташланади. Уларда меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш санитариyasини, меҳнатни меъёраштириш, аёллар ва ўсимирлар учун қулай иш шароитини ташкил қилиш масалалари асосий ўрин эгаллайди. Ишдан ноқонуний бўшатилганлик, меҳнат жараёнидаги бахтсиз ҳодисадан жабр кўрганлик ҳақидаги шикоятларнинг қамалганлиги қувончлидир. Бу эса жойларда аҳвол талаб даражасида эканлигини, касабаси уюшма ташкилотлари ўз зиммасидаги вазифанинг урдасидан чиқиб қолганини билдиради.

Касабаси уюшмалари фаол иш олиб борган, доимо меҳнаткашлар билан бирга бўлган ерда шикоятлар қамаяверди. Чунки бунда муаммолар вужудга келишининг олди олинади. Натижада ортиқча баҳс-мунозараларга чек қўйилиб, ҳамминанг диққати ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилади.

Ш.ЙЎЛДОВЕВ, Самарқанд вилоят ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ҳодимлари касабаси уюшма қўмитаси раиси



Бука тумани ҳўжаликларидега етиштирилаётган галланинг асосий йўналиши «Тошкент-гуруч» акциядорлик жамиятининг омборларига қабул қилинади ва қайта ишланади. Мазкур жамиятда ҳам бу йилги мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун пухта тайёргарлик қурилди.

Қабул қилиб олинган дон эса пешма-пеш «Олтин бошоқ» уни қайта ишлаш корхонасига жўнатилмоқда. Жамоа айни кунларда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириб, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш ҳаракатида фаол меҳнат қилмоқда.

Суратларда: дон қабул қилиш шохобчаси ҳодимлари.

Ёзги соғломлаштириш КУНЛАР МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Ешлигимизда спортга қизиққанлигимиз боис ўрта мактабни тугаллагач, ҳужжатларимни Қарши Давлат университетининг жисмоний тарбия бўлимига топширдим. Олий даргоҳда менга устозларим спортнинг кўпгина сирларини ўргатишди. Бу эса фаолиятимда ижобий самаралар бериляпти.

Бугунги кунда оромгоҳимизда болалар дам олиб, соғлиқларини тиклашмоқда. Асосий оталиқ ташкилот ҳисобланган Алишер Навоий номи ширкат ҳўжалик раҳбарияти, касабаси уюшма қўмитаси вакиллари оромгоҳда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширишди. Бу ерда қарийб 150 миллион сўмлик болалар соғломлаштириш маркази қурилиши жадал суръатларда бошлаб юборилди. Марказда болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ ҳамма тadbирлар ўтадиган мажмуа барпо этилади.

Оромгоҳ ҳудуди 6 гектардан иборат бўлиб, соя-салқинлиги билан акралиб туради. Чўмилиш ҳавзаси, ошхона, ётоқхоналарда барча қулайликлар мавжуд. Болалар оромгоҳда бўлган чоғида дам олиш билан бирга хасталикларини ҳам даволатиш имкониятига эгадирлар.

Айни пайтда бу ерда уларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш учун тadbирлар дастури ишлаб чиқилган. Айниқса, Муस्ताқилликнинг 12 йиллигига бағишлаб турли кечалар, учрашувлар болаларда катта таасурот қолдираяпти. Оромгоҳ ҳодимлари эса ҳар бир тadbирнинг қўнғилдагидек ўтиши учун бош-қош бўлаяптилар.

Манзара ШАМСИЕВА, Қасби туманидаги Фотих Мусин номи болалар оромгоҳининг бош мутахассиси

Хайрли иш давом этсин

КУТУБХОНАЧИ КЛУБИ

Республика Миллий матбуот марказида «ВТЛ» (Кутубхона техник адабиётлар) агентлиги қошида «Кутубхоначилар клуби»ни ташкил этишга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Билимни оширишда китобларнинг ўрни бекиёс, - деди «ВТЛ» агентлиги обун дастури раҳбари Алишер Одилов «Туркистон-пресс» мухбирига. Республикада йилдан-йилга нашрлар сони кўпайиб бораётди. Китобхона ва газетхоналар эндиликда нафақат миллий нашрлар, балки хорижда чоп этиладиган нашрлар билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлмоқда. Улар кутубхона ва интернет тармоғи орқали керакли адабиётлар, журнал ва газеталар билан танишишлари мумкин. «ВТЛ» агентлиги Россия Федерациясининг уч минг номдаги нашрларини, шунингдек ихтисослаштирилган ва ўқув юртлири учун қўлланмаларни олади. Агентлик йилга икки мингдан ортиқ тақвимиётларга хизмат кўрсатади. Биз 147 та кутубхона ходимлари ўртасида савол-жавоб ўтказдик. Натихалар шуни кўрсатдики, ташкилотларда,

ўқув юртлирида ахборот билан шуғулланувчи мутахассислар кўпгина муаммоларга учрашаркан. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, «Кутубхоначилар клуби»ни ташкил этиш лойиҳаси тузилди. Клубга истаган киши аъзо бўлиши мумкин. Клубда компьютер базаси тузилади, дара суҳбатлари, семинарлар ўтказилади.

Йиғилишда республика мида 14 мингдан ортиқ кутубхоналар мавжудлиги, уларда ўн мингдан ортиқ соҳа мутахассислари фаолият кўрсатаётганилиги таъкидланди. Иш жараёнида дуч келинаётган муаммолар, янги нашр этилаётган адабиётлар, журналлар ҳақида фикр алмашилди. «Кутубхоначилар клуби»нинг ташкил этилиши оз бўлса-да муаммолар ечимини ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин.

«ОҚСАРОЙ» ЯРАЛАРИ

Истиқлол - халқимизнинг миллий ва маънавий меросини излаб топиш, тиклаш, авлодларга бутунлигича етказиш учун имконият яратди. Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат жамоатчилиги» маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш тўғрисидаги Фармон бу борадаги биринчи қадам бўлди. Сўнг орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Вазирлар Маҳкамасининг Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Қарори эълон қилинди. Жамғарма Низом талабларига асосан буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий ва миллий меросини кўз қорачиғидек асраш, умуминсоний кадриятларга ҳисса қўшган зотларнинг бой меросини илмий ўрганиш, кишиларимиз онгиде миллий гурур, ифтихор, Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини синдириш, ёшларимиз онгиде она Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини синдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гузал табиати билан мунтазам таъшириб боришни ташкил этиш кўзда тутилган.



Шунингдек, жамғарма зиммасига қадимий қўлэмалар, тарихий ҳужжатлар, барча соҳадаги маданий ёдгорликларни мамлакатимиз ва хориждан излаб топиш, халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, фестиваллар ўтказиш, халқаро ижодий-илмий делегациялар алмашиш, истеъдодли ёшларни танаб, уларнинг ижодий камолотига қўлдош бериш ва маънавий ҳомийлик қилиш, фуқаролар орасида миллий, маънавий, иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий билимларни ошириш бўйича тадбирлар ташкил этиш, уларнинг онгиде миллий, ҳуқуқий демократик давлатчилигимиз ғоясини синдириш боришни галдақи вазифа этиб қўйилган.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси Низом талабларини, табиийки, ёлғиз ўзи амалга ошира олмайди. Шунинг учун давлат ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. 2003 йил иш режасига кўра вилоят прокуратураси, Ички ишлар бўлими билан биргаликда «Маҳалла-диёнат ва иймон кўргони», «Фуқаролик ҳуқуқлари ва кўнмақлари», «Болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш комиссияси ҳақида», «Миллий онг-ватанпарварлик пойдевори», «Ғоявий бўшлиқ ва зарарли ғояларга

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

ломаларнинг илдизлари шу масканга келиб тақалади. Амир Кулолнинг отаси насафлик бўлса, Марвазийнинг падари ҳам бегона эмас, Аҳмад Яссавийнинг эвараси Пудинада ётган бўлса, Нақшбанднинг таълим олган маскани Насаф. Бугунги илмий ишлар шуни кўрсатадики, Насаф, Пудина, Касби, Ковчин, Кеш хадис-шунослик мактабларининг манбалари атиги ўтган аср боши, ўттизинчи йилларда йўқотилган.

катта ашулачилар вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Халқимизнинг маънавий меросига доир 2 та китоб, 2 та буклет нашр этилди. 7 та зиёратгоҳ илмий ўрганилди. Айни вақтда амалга оширган ишларимиз билан гурунларан ҳолда, камчиликлардан ҳам кўз юммаслигимиз зарур. Жумладан, яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан келган саволнома матни туманларга юборилганда, Деҳқонбод, Чироқчи, Қамаш, Яқабоб, Косон, Ғузор каби узок тарихга эга бўлган туманларда жамғарманинг туман бўлимига таъминотларни таъминлаш зарур. Хар бир қишлоқда қатагон ва бошқа давр қурбонлари, урушдан қайтмаганлар, халқ орасида эътибор молик кишиларнинг бўлмағлиги мумкин эмас. Қабристонлар, зиёратгоҳлар, қадамжолар, алломалар, лоқал ўқитувчиларнинг қолдирган меросини ўрганиш мумкин. Бу туманларда жамғарманинг туман бўлиминини тузишга эҳтиёж сезилмагани хайрон қолдиради.

Хали қилинмаган ишлар кўпи. Ер-кўрғон шахростини, унинг ўтмиши тўла ўрганилган эмас, Оқсаройнинг яралари бизга тинчлик бермайди, Шайх Шамсуддин Кулолнинг хурматини етарли даражада жойига қўйганимиз йўқ, 200дан ортиқ Насафийлар тарихини аждодларимизга тўлалигича мерос қилмоғимиз фарзандлик бурчимиз, Қарши шаҳридаги XVI аср Қашқадарь кўпригини аввалги ҳолда қўриқона сифатида қўришни орзу қиламиз, Қарши шаҳридаги ҳарқалай қадди тик қолган Қиличбек, Абдулазизхон, Бекмир Қозок, Шарофбой мадрасаларини таъмирланган ҳолда, халқнинг миллий мероси сифатида маърифий тадбирлар ўтатишга маскан сифатида қўришни истаймиз. Бу борада Хўжа Жаррох, Лангар ота, Марвазий, Насафий ва бошқа алломалар билан боғлиқ қадамжоларда ҳам қилинадиган ишлар кўп, бу масканлар истиқлол кунларига етиб келиш пешонасида бор экан. Уларнинг қаддини тиклаш маърифатли, саховатпеша зотларнинг зиммасидадир.

Бир асрдирки халқ ўз сулоласини унутди, ҳатто уйда сақлашдан ҳавф сезадиган бўлиб қолди, ёхуд кейинги авлодлар урфдан чикарди. Биз кўпгина ана шу авлодлар шарҳасига қараб, уларнинг тарихдаги ўрнини белгилеймиз. Ислоом маънавиятининг устунлари: иймон (Аллоҳга ишонч ва садоқат), намоз, рўза, закот, ҳаж бўлгани каби, халқимизнинг миллий маънавияти устунлари неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадриятлардир. Миллий ва маънавий қадриятлар пойдеворида қирилган давлат, оила, жамият мустаҳкам туришига шубҳа йўқ.

Шу боисдан ҳам 2003 йилдаги ишларни жамғарма хайрия тадбири билан бошлади. «Хайрия - адолат устунидир» тадбирида, хусусан, вилоятимиздаги 32 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига хатна тўйи ўтказилди. Хар бир боланинг номига ҳисоб рақами очилиб, 10 минг сўмдан маблағ қўйилди, бош-оёқ сарпо қилинди. Маданият бошқармаси билан ҳамкорликда Деҳқонбод туманида Қодир бахши Раҳим ўғли хотирасига бағишланди «Товушимга қанот бўлгин, дўмбирам» мавзуда вилоят бахши-шоирларининг, шунингдек, Миришкор тумани «Жейнов» жамоа ширкат хўжалиги Маданият саройида марҳум санъаткорлар Тоҳиддин Муродов ва Ҳазратқул Амиркуловлар хотирасига бағишланди «Аждодлар мероси - муқаддасдир» мавзуда вилоятдаги мақом жамоалари ва

Аждодлар руҳини шод этмоқ, фарзандларимиз онгиде болаларга хурмат ҳиссини уйғотмоқ - халқ маънавиятига эҳтирмининг биринчи қадаמידир. Мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлаш - маънавий меросга хурматдир. Бу борада барчамиз очик кўз, ақлу идрок билан иш кўраб эканмиз, маънавий мерос устунлари асрлар давомида бардавон турсақ. Эро, ўтганларга хурмат бажо келтириш, бугунги меросини ҳам дахлисизлигини таъминлаш эртага ишонч руҳини ёшлар эътиқодига синдириш маънавиятли зотларга хос фазилатдир.

Шарофат АШУРОВА,
Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарь вилоят бошқармаси бошлиғи,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Бозор иқтисодиёти муносабати билан юз бераётган жараёнлар санъат ва маданиятда, хусусан таърихий санъатда ҳақиқатан ҳам боқимандалик қайфияти ҳукми сурганини тобора ойдинлаштирмоқда. Шўро даврида ижодкорлар асосан мафкура қуроли сифатида фаолият кўрсатишга мажбур эдилар. Қўпгина кўргазма залларини «давр руҳи» билан сугорилган катта-катта ҳажмадаги ишлар эгаллаганди. Хатто хўжаликлар клублари ҳам ғоявий бюртмалар асосидаги асарлар билан безатиларди. Очингани айтганда, муаллифлар бадиий баркамолликдан кўра, ғоявий ҳозир-жавобликка эътибор беришга мажбур эди.

САНЪАТ-ЎЛМАС ХАЗИНА

Мустақиллик даври ва бугунги бозор иқтисодиёти шароити ижодкорни ҳам руҳлантириб, занжирбанд қўлларини ечиб юборди. Илгаригидек ўзини ўқимчилик, билимдон кўрсатиш учун жовонларга китоб териб, кўз-кўз қилишлар йўқ. Табиий равишда пишиб етилиш, турмуш чиғирликларини кўриш ва ҳис қилиш киши руҳиятини ўзгартириб юборишини биз шу кунда бутун борлигимиз билан ҳис қилиб турибмиз. Шундан экан, бу мураккаб жараёнларда фақат жимсонан ва ақлан кучли, тадбиркор, ишбилармон, кечаю кундуз бутун вужудини, қалбини, барча руҳий ва жисмоний имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилган шахсгина бирор натижага эришади. Энди фақат ҳақиқий истеъдод бўлсагина уни тарбиялаш, воғга етказиш, барча имкониятларни ишга солиб, истеъдодини юзга чиқаришга ёрдам берадиган замонлар, дамлар етиб келди. Бундан кейин ҳар бир соҳада, айниқса, ижодкорлар сафида фидойи, ўз фикри-зикри, дил амри билан иш юритадиган инсонларгина қолиши турган гап.


Бу табиат қонуни. Уни инкор қилиб бўлмайди. Бадиий қадриятлар, ижодий интеллектуал кучлар, улар яратган дурдоналарга эътибор кескин кучайиб бораётгани ҳам шундан. Бу йўналишда ҳозир бир қанча ишлар қилинмоқда. Масалан, «Марказбанк» томонидан кўпгина истеъдодли ишлар сотиб олинди, уларнинг каталогини мунтазам чоп этиш ишлари аста-секин йўлга қўйилмоқда. Президент девони ҳузуридаги Халқ ака-

АЁЛ МАДҲИ

Халқаро «Санъат ва маданият дастури» доирасида босма нашрлар чоп этилмоқда. Очик жамият - кўмак Сорос жамғармаси - Ўзбекистон институти томонидан амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракат туфайли шу йилнинг ўзида «Ўтмишга бир назар. Туркистон почта от-криткалари саҳифаларида» каби бир неча тўплам босилиб чиқди.

Яқинда чоп этилган «Хотин-қизлар ва давр. Ўзбекистон. Игирманчи аср» деб номланган рангли альбом ҳам китобхоналарга яхши совға бўлди. Сорос жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида юзга келган бу альбомдан ўлкамиз хотин-қизларини мадҳ этувчи кўпга фотосуратлар, бадиий график чизгилар, шёърлар, донгдор аёлларимиз ҳақидаги хотиралар ўрин олди.

А.АҚБАРОВ



Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунос

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯДАН ЯНГИ ДАРСЛИК

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти янги ўқув йили олдидан қатор дарслик ва қўлланмаларни босиб чиқарди. Улар орасида жисмоний тарбия ва спортга доир ўқув адабиётлари ҳам бор. «Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш» деб номланган дарсликнинг юзга келиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Ушбу китобда спортнинг оммалашган турлари, энг йирик халқаро мусобақалар, Ўзбекистон спортчиларининг халқаро доирада эришган ютуқлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар ҳам кенг ёрилган. Спортнинг оммавийлигини таъминлашга ҳизмат қиладиган мазкур нашр Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаларига, олимпиада ўринбосарлари коллежалари ўқувчилари учун биринчи сентябрга яхши совға бўлди.

БОЛА КУЛГУСИ

Яқинда маҳалла фаоллари ўртасида ўтказилган йиғилишда бир отахон ажойиб гапни айтди: тўй яхши, марҳумлар хотирасини ёдлаб дастурхон ўзиш ҳам дуруст. Лекин шу нарсаларни қичқроқ донрада, камқарж қилиб ўтказса бўлмай-дими? Пулинг кўпайиб кетган бўлса, фарзандларингга сарф қил, яхши кийинтир, яхши еб-ичир. Бу билан сен ўз келажакингни ҳам таъминлаган бўласан...

Каттақўрғон туманида жойлашган «Нилуфар» болалар боғчасини кўздан кечириётганимиз отахоннинг сўзлари ёдимга тушди. Амалга оширса бўларканку. Хаммаёқ саранжом саришти, гулларнинг хуш бўйларни дилмоққа урилади. Соя-салқинда жажжилар шодон ўйнашмоқда. Боғчада болалар тарбияси учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Турли тўғараклар ишлаб турибди. Икки гуруҳда тарбия топаятган болаларнинг меҳрибон опажонлар оқ ювиб, оқ тарамоқдалар. Болалар зийрак бўлиш-

ди. Улар ўз ҳомийларини яхши танишади. Нега ҳам танишмасин. Хар куни уларни сут ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан беминат таъминлаётган «Қурбон Юсупов» ва «Мурод бобо» деҳқон-фермер хўжалиги-да! Юқори сифатли рацион асосида тайёрланаётган овқатлар эса болажонларнинг соғлом ва тетик ўсишларида қўл келмоқда. Болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Спорт майдончаларининг ҳамшиша гавжумлиги ҳам шундан. Яқинда «Нилуфар» тарбияланувчилари 59-болалар боғчасидаги тенгдошлари билан «Соғломжон - полвонжон» мусобақасини ўтказишди. **З.ЖўРАЕВ,** «Ишонч» мухбири

Қашқадарь Нортжи Саимов, Остон Чўлиев, Исоқ Аҳмедов, Баҳром Авазов сингари жаҳонда донг таратган полвонлар юрти. Воҳода курашнинг ҳамма турлари бўйича мамлакат миқёсидаги мусобақалар ўтказиб турилади.

Яқинда Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан Давлат солиқ хизмати ходимлари ўртасида ўзбек кураши бўйича III республика чемпионати бўлиб ўтди.

ГИЛАМДА СОЛИҚЧИЛАР

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятларнинг солиқ идораларида хизмат қиладиган полвонлар ўзаро беллашдилар. Барча вазн тоифаларида қаршилик курашчилар уларнинг куч ва маҳоратларини намойиш этиб, юқори натижаларга эришдилар. 63 килограммда Рўб Турдимуродов, 73 килограммда Қажрамон Долғамов, 90 килограммда Исроил Авазовлар чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритдилар.

Мутлақ вазн тоифаси финал баҳсида самарқандлик Мухиддин Султонов ва Қашқадарь вакили Нурилла Абдуллаевлар баҳслашдилар. Қаршилик полвон Н.Абдуллаев соф галабага эришди.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарь вилояти курашчилари шохсупанинг юқори погонасидан жой олишди. Сурхондарь ва Самарқанд вилояти вакилларига иккинчи ва учинчи ўрин nasib этди.

И.ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

МАГИСТРАНТЛАР ИЛМИЙ ТўПЛАМИ

«Италия матбуоти: ривожланиш босқичлари ва тараққиёти» деб номланган илмий мақолада журналистика жанрларининг матбуот саҳифаларида тугатган ўрни баён қилинади. Ушбу қизиқарли мақола «Магистратура талабаларининг илмий ишлари тўплами»да ёрилган.

Ушбу нашр Ўзбекистон Миллий университетининг 85 йиллик юбилейи олдидан босмага тайёрланди. Тўпламда олий ўқув юртининг изланувчан магистрантлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотларга кенг ўрин берилган.

Унда чоп этилган журналистикага доир мақолалар ҳам қизиқли билан ўқилади. «Ахборот глобаллашуви шароитида ахборот агентликларининг аҳамияти», «Ўзбекистонда On Line журналистикасининг ривожланиш тамойиллари» каби илмий мақолаларда журналистиканинг бугунги аҳволи ва муаммолари масалалари ўз ифодасини топган. **А.АЛИЕВ**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимжўаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоқид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириш вақти - 21.00

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00003 рақамда гувоҳнома берилган. ИВМ компьютеризация терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.